



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 14 август, № 163 (8786)

Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА СТАРТАП ЛОЙИХАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАҚДИМОТ ЎТКАЗИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 август куни сунъий интеллект ва IT соҳасидаги стартап лойиҳаларни ривожлантириш чора-тадбирларига доир тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари жадал ривожлантирилиб, барча соҳада татбиқ этилмоқда. Буларнинг натижасида шу йилнинг ўтган даврида рақамли хизматлар ҳажми 21 триллион сўмдан ошди, йил якуни билан 43 триллион сўмга етиши кутилмоқда. Соҳада 367 миллион долларлик хизматлар экспорт қилинди. IT-парк резидентлари 577 тага кўпайиб, 2 мингтадан ошди. Уларда ишлаётган ёшлар сони эса 32 мингга етди.

Бу йил соғлиқни сақлаш, энергетика, транспорт, таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш каби соҳаларда 100 дан ортиқ рақамлаштириш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Замон шиддат билан ўзгарапти. Жаҳонда ҳар бир соҳага сунъий интеллект, рақамли технологиялар кириб келяпти. Бу борада юртимизда ҳам қатор лойиҳалар бошланган.

Мисол учун, "MyID" ва "UzFace" дастурлари 70 дан ортиқ ташкилот, банк, электрон савдо майдончалари ва тўлов тизимларида жорий қилиниб, 10 миллион фойдаланувчини масофавий биометрик идентификация қилиш имконияти яратилди.

"Ўзбеккосмос" сунъий интеллектни қўллаб, 43 мингга яқин ер қазирдан ноқонуний фойдаланиш ва рухсатсиз қурилиш ҳолатларини аниқлади.

Тақдимотда соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, банк, солиқ, божхона каби соҳаларда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Аввало, сунъий интеллект бўйича қонунчилик базасини яратиб кераклиги қайд этилди. Сунъий интеллектни жорий этиш стратегияси ва икки йиллик лойиҳалар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Сунъий интеллект технологиялари марказини ташкил қилиш бўйича топшириқ берилди.

Хусусан, банк-молия соҳасида сунъий интеллектни қўллашни кенгайтириш, бу бўйича кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги кунда 4 та университетда сунъий интеллект бўйича кадрлар тайёрланаяпти. Ҳозирда катта маълумотларни қайта ишлаш ва тил моделлари бўйича 600 нафар мутахассисга талаб бор. Бу келгуси йилларда қаррасига ошади. Шунинг билан олиб, соҳалар кесимида талабга мос мутахассислар тайёрлаш муҳимлиги айтилди.

Дунёнинг барча илгор IT компаниялари ўз фаолиятини стартапдан бошлаган. Бизда ҳам бу борада биринчи қадамлар ташланаяпти. Ўтган йили бундай лойиҳалар учун жалб қилинган венчур инвестициялар ҳажми 134 миллион долларни ташкил қилган.

Давлатимиз раҳбари стартап лойиҳаларни молиялаштириш учун венчур инвестицияларга кенг шароит яратиш вақти келганини таъкидлади. Шу боис стартап экотизимини ривожлантириш, венчурли молиялаштириш механизмларини жорий қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномасини (Сингапур, 2006 йил 27 март) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 30 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 июнда маъқулланган

Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномаси (Сингапур, 2006 йил 27 март) қуйидаги қўшимча шарт инobatга олинган ҳолда ратификация қилинсин:

Шартнома 29-моддасининг 4-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, 19-модданинг 2-бандига қарамай, у ҳуқуқлар бузилганлиги муносабати билан ҳуқуқ эгасининг ташаббусига кўра бошланган тартиб-таомилда иштираётган эшига ёки лицензия предмети саналган белгига бўлган ҳуқуқнинг бундай бузилиши натижасида етказилган зарарнинг ўрнини шундай тартиб-таомил орқали қоплашга доир ҳар қандай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ лицензияга берилиши учун шарт сифатида лицензиянинг рўйхатдан ўтказилишини талаб қилади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 13 август
№ ЎРҚ—941

«ФИНАЛДА БЕШ БОКСЧИ... ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИРИ НИМАДА?»

Франция оммавий ахборот воситаларида ўзбек чарм қўлқоп усталарининг Олимпия ўйинларида қўлга киритган оламшумул галабалари ҳақида ёзишмоқда.

Эътироф

Жумладан, Франциянинг спорт мавзусини ёритишга ихтисослаштирилган марказий нашрларидан бири — "L'Equipe" газетасида босилган мақолада айтилишича, Парижда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларида бокс бўйича Ўзбекистон эрақлар терма жамоаси еттига вазн тоифасида ўтказилган жанглarning бештасида олтин медални қўлга киритиб, жаҳонда тенгсиз эканини яна бир марта намоиш этди.

Париждаги ёзги Олимпия ўйинларининг бокс бўйича баҳслари Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари учун тарихий натижа билан якунланди, деб таъкидланган "Olympics.com." да

"Машхур "Ролан Гаррос" мажмуасида бокс бўйича ҳал қилувчи жанглр бўлиб ўтган баҳсларнинг сўнгги куни Ўзбекистон терма жамоаси учун, айтиш мумкинки, мамлакатнинг бутун спорти учун зафарларга бой кечди, — деб ёзади "Olympics.com." мухбири. — Зеро, финал жангларида кетма-кет учта Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида Ўзбекистон делегациясининг байроқдори бўлган боксчилар олтин медаллар учун кураш олиб борди.

PARIS 2024 BOXING: ALL RESULTS, AS UZBEKISTAN'S BAKHODIR TALOLOV SECURES BACK-TO-BACK GOLDS IN MEN'S +92KG DIVISION



Кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик СОЛНОМАСИДА ЁРҚИН САҲИФА

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилган тинчлик-севар ташқи сиёсат туфайли мамлакатимизнинг жаҳон ва минтақа миқёсидаги обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

НУҚТАИ НАЗАР

Бу борада, айниқса, давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиёни тинч ва фаровон ҳудудга, яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт маконига айлантириш, минтақа давлатлари

ўртасидаги дўстлик ва бирдамлик муносабатларини янада ривожлантиришга доир ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг кўшни Қозоғистонга ташрифи, маз-

кур мамлакатнинг олий давлат мукофоти "Олтин қирон" ордени ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишони билан тақдирланиши бунинг яққол мисолидир.

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ САОДАТИ

Жорий йилнинг қайноқ ёз фасли жаҳон спортида ёрқин воқеаларга, унутилмас хотираларга бой ўтмоқда. Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган XXXIII ёзги Олимпия ўйинлари ҳарорати, қувонч ва ҳаяжонлари ҳали босилмай туриб, ушбу кўҳна кент яна бир халқаро спорт анжуманига мезбонлик қилади. 28 августдан 8 сентябрга қадар "Париж — 2024" XVII ёзги Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Аҳамиятлиси, ушбу нуфузли анжуманда мамлакатимиз спортчилари ҳам ўз иқтидор ва салоҳиятини, маҳорат ва матонатини намоиш этади.

Спорт

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Олимпия ва паралимпия шон-шўҳрати музейида Ўзбекистон спорт делегациясини пара спорт турлари бўйича тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаларига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Давлат мадҳияси садолари остида тантанали равишда бошланган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги раисининг биринчи ўринбосари Шаҳноза Мирзиёева ва бошқа расмийлар қатнашди.

Сўз олганлар яқинда Парижда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз ёрқин галабалари билан мамлакатимиз спорти тарихида янги саҳифа очганини эътироф этди. Бу, албатта, юртимизда соҳа ривожига қаратилган эътибор, ёшларга кўрсатилган гамхўрлик ва уларга ўз иқтидорларини намоиш этишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар меvasидир.

Янгиланаётган Ўзбекистонда имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятга интеграциялашуви ва ҳаётда ўз ўринларини топиши давлат сиёсати даражасига кўтаририлган. Шу боис пара спортчиларни тайёрлашга ҳам жиддий аҳамият берилаяпти. Жумладан, юртимизда Адаптив спорт турлари ассоциацияси тузилиши ногиронлиги бўлган шахсларни спортга кенг жалб этиши, паралимпия ҳаракати қамровини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 5 ноябрдаги "2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ушбу жаҳоншумул мусобақаларга спортчиларимизни пухта ҳозирлаш учун кенг қўллами чора-тадбирлар олиб борилди. Натижада Ўзбекистон пара спортчилари навбатдаги ёзги Паралимпия ўйинларига ўз тарихидаги энг катта делегация билан йўл олмоқда.

Тадбирда XXXIII ёзги Олимпия ўйинлари олтин медалини қўлга киритган спортчилар — Дияра Келдиёрова ва Улуғбек Рашитов "Олимпия оиласи" номидан Ўзбекистон паралимпия спорт делегациясига омад тилади.



ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ 5 ЙИЛЛИК СТРАТЕГИЯСИ

Давлатимиз раҳбарининг "Гидроэнергетика соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори билан гидроэнергетика тармоғини 2028 йилгача ривожлантириш бўйича 5 йиллик дастур тасдиқланди.

Унга кўра:

- 2028 йилга бориб бугунги кундаги мавжуд 2228 МВт қувватларни қарийб 2,5 бараварга ошириш, яъни 5508 МВтга;
- йиллик экологик тоза электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмини 15,7 млрд. кВт/соатга етказиш режалаштирилган.

Мазкур лойиҳаларни қуришга 6,5 млрд. АҚШ доллари миқдорига инвестиция маблағлари жалб қилинади. Дастурни амалга ошириш натижасида "Ўзбекгидроэнерго" АЖ таркибидаги ГЭСлар сони 2 баробарга ошиб, 120 тага етказилади. 3 000 та янги иш ўрни яратилади, 4,2 млрд. куб метр табиий газ иқтисод қилинишига эришилади.

Манба: "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти.



Факт ва рақамлар

«ИНСОН ҚАДРИ УЧУН» ТАМОЙИЛИНИНГ ЯНА БИР АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, уларга қулай шароит яратиш, қисқача айтганда, халқни рози қилишга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Яқинда қабул қилинган «Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ана шундай муҳим ислохотлардан бири бўлди.

МУШОҲАДА



Маълумки, ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкалари ва у ерда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш бўйича ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги узоқ йиллардан бунён аҳолини қийнаб келаётган муаммолардан бири эди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши эса юқоридаги муаммоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Мазкур қонун:

— фуқаролар томонидан 2018 йил 1 майга қадар яқна тартибда уй-жой қуриш орқали ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга;
— 2021 йил 1 майга қадар фуқаролар ва тadbirkorлик субъектлари томонидан ҳужжатларда кўрсатилган ер участкаси майдонидан ортиқча эгаллаган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга;
— «бир марталик акция» доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
— 2021 йил 8 июнга қадар туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан ажратилган, лекин тасдиқлаш масаласи вилоят ҳокими ёки халқ депутатлари Кенгаши томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган ер участкаларига;
— фуқароларнинг боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги ту-

раржойларига ҳамда улар эгаллаган ер участкасига;
— 2020 йил 9 мартга қадар кичик саноат зоналари ҳудудига жойлаштирилган тadbirkorлик субъектларининг яшаш учун мўлжалланмаган бинолари ва иншоотлари ёки уларнинг қисмлари жойлашган ер участкасига;
— хусусийлаштирилган бинолар ва иншоотлар эгаллаган ер участкасига;
— фуқароларнинг, тadbirkorлик субъектларининг ва резидент бўлган юридик шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ мулк (эгаллик қилиш) ҳуқуқи эътироф этилган бинолари ва иншоотлари эгаллаган ер участкасига нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш асослари ва тартибини белгилайди.
Шунингдек, қонунда ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишнинг шартлари кўрсатиб ўтилган. Хусусан, ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаси бошқа шахсларга

ажратилмаган ёки электрон онлайн-аукционга қўйилмаганлиги, муҳофаза зонасида, суғориладиган ерда жойлашмаганлиги, ер участкасидан фойдаланишда низо йўқлиги, ер ва мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги, ширкат аъзоси бўлганлиги, инвестиция ва бошқа мажбуриятлар тўлиқ бажарилганлиги каби бир қатор шартлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, қонун билан яқна тартибдаги уй-жой қурилган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг ўлчамлари аниқ қилиб белгиланган.

Яъни:

— агар ер участкаси 1998 йил 1 июлга қадар эгалланган бўлса, барча ҳудудларда 0,24 гектардан кўп бўлмаган ўлчамда;
— агар ер участкаси 1998 йил 1 июлдан 2018 йил 1 майга қадар эгалланган бўлса, Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида 0,06 гектардан, қолган ҳудудларда 0,12 гектардан кўп бўлмаган ўлчамда белгиланади.
Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаси юқорида қайд этилган ҳажмлардан ортиқча бўлган тақдирда белгиланган ҳажмдаги ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи эътироф этилган ҳолда қолган ортиқча ер участкаси мазкур шахсга деҳқон ҳўжалиги ёки томорқа ҳўжалиги юритиш учун расмийлаштириб берилиши назарда тутилган.
Қонун билан ҳуқуқларни эътироф этиш босқичлари, яъни жараёнининг кетма-кетлиги қуйидагича:
— дастлаб Кадастр агентлиги автоматлаштирилган ахборот тизимига барча ерлар бўйича 6 хил турдаги бирламчи маълумотларни киритади;
— ваколатли ташкилотлар икки ой муддатда ҳар бир ер участкаси бўйича ўз

ваколатидаги маълумотларни тизимга бириктиради;

— автоматлаштирилган ахборот тизимида тўлиқ шакллантирилган электрон йўзма жилда маълумотлари жамоатчиликка эълон қилинади;

— тўпланган барча ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва қонунчилиги тизим орқали Адлия вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан икки ой ичида ўрганиб чиқилади;

— адлия органлари томонидан ижобий ҳулоса келинган тақдирда Фуқароларга Кадастр агентлиги томонидан бир марталик тўловни йғирма иш куни ичида тўлаш тўғрисида СМС-хабарнома юборилади, тўлов ўз вақтида тўланмаган тақдирда иш тўхта-тиб турилади;

— тўлов тўланган тақдирда электрон йўзмажилда, маълумотлар ва ҳужжатлар ижобий ҳулосалар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига навбатдаги сессияда (мажлисда) кўриб чиқиш учун ахборот тизими орқали юборилади, ҳужжатлар Кенгашлар томонидан уч ой ичида сессияларда (мажлисларда) муҳокама қилинади. Шундан сўнг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи Кенгаш қарори билан эътироф этилади.

Бунда ижара муддати ер қонунчилиги-га мувофиқ яқна тартибдаги уй-жойлар эгаллаган ер участкалари учун 99 йил, бошқа ер участкалари учун 49 йил этиб белгиланади.

Ҳуқуқларни эътироф этганлик учун Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш микдорининг 5 баравари, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида базавий ҳисоблаш мик-



дорининг 3 баравари, вилоятлар бўйсунувидаги бошқа шаҳарларда базавий ҳисоблаш микдорининг 2 баравари, бошқа аҳоли пунктларида базавий ҳисоблаш микдорининг 1 баравари даражасида бир марталик тўлов ундирилади. Ушбу тўловлардан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, илгариги акция доирасида бир марталик йғимини тўлаган шахслар озод қилинади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига киритилган шахсларга 50 фоиз чегирма берилади.
Қонун ҳалқимиз учун муҳим аҳамиятга эга, чунки у давлат рўйхатида ўтказилмаган ер участкалари ва ноқонуний қурилган бино ва иншоотлар билан боғлиқ аҳолини узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши халқимиз учун чинакам қувонарли хабар бўлди. Энг асосийси, қонун ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатини янада тўлиқ таъминлашга хизмат қилади. Зеро, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотлар негизда «инсон қадри учун» тамойили ётади.

Шухрат ЧўЛЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси ўринбосари.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ОЛТИ ОЙЛИК ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2024 йил биринчи ярим йилдаги ижроси юзасидан ҳисоботи муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида аҳолининг ҳаёт даражасини янада ошириш, макроиктисодий барқарорлик, инвестиция, экспорт, импорт кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг изчил тараққиётини таъминлаш, республика ҳудудларининг комплекс ривожланиш даражасини ошириш, халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиш, экологик барқарорликка эришиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилган.

Давлат дастурида белгиланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида ҳукумат ва парламент ўртасида яқин ҳамкорликда фаолият олиб борилган. Қонунчилик палатасининг кўмиталари ва ҳукумат томонидан назорат-таҳлил тadbirkorлари доирасида кўтарилган масалаларни биргаликда ҳал этиш амалиётидан унумли фойдаланилган.

Ҳисобот даврида давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 та Фармони, 9 та қарори, ҳукуматнинг 13 та қарори ва 25 та бошқа ҳужжат қабул қилинган. Ҳукумат томонидан давлат дастури доирасидаги ислохотларни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган 48 та қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган.

Давлат дастурининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган ишларнинг таҳлили мамлакатимизда ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида муайян натижаларга эришилганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш борасида белгиланган устувор йўналишлар доирасида қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида 2 684 та янги мактабга-ча таълим ташкилоти ташкил этилиб, қамров 74,6 фоизга етказилган.

Ҳисобот даврида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида улардан 138 245 нафари касб-ҳунарга ва тadbirkorликка ўқитилган. 89 357 нафар аёлга 1,5 трлн. сўм кредит ажратилган, 419,2 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилган.

Бундан ташқари, мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартириш йўналишида «Online-mahalla» платформасида ҳоким ёрдамчилари томонидан кам таъминланган 873,4 минг оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастур ишлаб чиқилган. Оилавий тadbirkorлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида 48 минг ёшга 856,5 млрд. сўмлик кредит ажратилган, 32 минг ёш касб-ҳунарга ўқитилиб, бандлиги таъминланган.

Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналишида ҳам зарур чора-тadbirkorлар амалга оширилган. Хусусан, жорий йилнинг олти ойида янги ички маҳсулот 6,4 фоизга, саноат — 7,8, қурилиш — 10,1, хизматлар — 12,9, қишлоқ ҳўжалиги 3,8 фоизга ўсган. Жами қиймати 15,5 млрд. АҚШ доллари бўлган хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, ўтган йилдагига нисбатан 2,1 баробарга ўсиш қайд этилган.

Ўтган давр мобайнида сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг устувор йўналиши ҳисобига «Яшил» энергия технологияларини жорий этиш орқали беришда электр энергияси истеъмолини камайтириш бўйича зарур чора-тadbirkorлар қўрилган.

«Яшил» энергетика йўналишида амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида ишга тушган 2,4 гига-ваттга 10 та қуёш ва шамол электр станцияси ҳисобига ярим йилликда 1,6 млрд. киловатт «яшил» энергия олинган. Бу эса ярим миллиард куб метр газни тежаш имконини берган.
Мажлисида депутатлар томонидан давлат дастурида белгиланган вазифалар ва тadbirkorларни молиялаштиришга йўналтирилиши кўзда тутилган Давлат бюджети маблағларининг ўзлаштирилиши ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлаш юзасидаги алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, давлат дастурида белгиланган чора-тadbirkorларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасида мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш, дастурда иккинчи ярим йилликда ижро этилиши белгиланган тadbirkorларнинг бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама давомида депутатлар давлат дастури ижросини таъминлаш юзасида Ҳукумат аъзоларига қатор саволлар билан юзланди.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Баҳром Раҳмоналиев давлат дастури ижроси юзасида тақдим этилган ҳисоботда умумтаълим мактабларини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилишини сўради.




Мазкур масала юзасида «Ўзсувтаъминот» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Тоҳир Ҳайдаров жавоб берар экан, айни вақтда умумтаълим мактаблари тўлиқ хатловдан ўтказилган, махсус дастурга мувофиқ 917 та мактаб ва мактабга-ча таълим муассасасини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 101 млрд. сўм маблағ ажратилганлигини маълум қилди. Унинг айтишича, ҳозирда айрим вилоятлардаги мактабларда сув таъминоти ва санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш бўйича ишлар якунига етиб, топшириш ишлари кетмоқда.

«Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси Умида Раҳмонова эса дастур-

да белгиланган мактабга таълим ташкилотларида фаолият юритаётган тарбиячи-педагог кадрларни психологик методика ва тестлар орқали саралаш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати билан қизиқди.

Мазкур масала юзасида Мактабга-ча ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари У. Шарифхўжаев батафсил тушунтириш бериб, тарбиячи-педагог кадрларни психологик методика ва тестлар орқали саралаш бўйича қабул қилиш методикасига босқичма-босқич ўтиш режалаштирилганлигини ва бу борада аниқ механизмлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланиш жараёнида эканлигини билдирди.

ХДП фракцияси вакили Зулайхо Акрамованинг ҳисоботда келтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ҳал этилган ва муаммолни кўрсаткичлар орасидаги фарқнинг сабаби юзасидан берган саволига маърузачи Бош вазир ўринбосари Ж. Ҳўжаев республика инвестиция штаби фаолияти ҳақида батафсил



маълумот бериб, Инвестиция дастурига 1260 дан ортиқ лойиҳалар киритилгани, ҳар битта лойиҳанинг ўз мuddати бор эканлиги, йил охирига қадар барча белгиланган лойиҳалар ишга туширилиши таъкидланди.




«Адолат» СДП фракцияси аъзоси Мавлуда Адхамжонова эса давлат дастурида ягона электрон тиббиёт тармоғини шакллантиришнинг давом эттириш, рақамли технологиялар жорий этилган тиббиёт муассасалари улушини 70 фоизга етказиш белгиланганлигини таъкидлаб, ҳисоботда берилган маълумотлардан келиб чиқиб, бугунги кунда тиббиёт ахборот тизимидан фойдаланаётган давлат тиббиёт муассасалари ва хусусий шифохоналар неча фоизи ташкил этмоқда, олти ойда давлат дастурида белгиланган 70 фоизга етказиш бўйича мақсадга эришилди, — деган савол билан мутасаддиларга юзланди.

Соғлиқни сақлаш вазири в. б. А. Худобўев ушбу масала юзасида батафсил тушунтириш бериб, вазирлик томонидан мазкур вазифа ижросини таъминлаш борасида махсус стратегия ишлаб чиқилгани, яъни ўтган йиллар давомида фойдаланилган тизимлардан

воз кечилиб, ягона платформа жорий қилинаётганини қайд этди. Шунингдек, у хусусий сектор билан ишлаш реформани талаб қилиши, айни вақтда 30 фоиз хусусий тиббий муассасалар платформага улангани, йил якунига қадар бу бўйича алоҳида маълумот тақдим этилишини айтиб ўтди.

Экологик партия фракцияси аъзоси Моҳира Ҳўжаева ҳўжалик юритувчи субъектга оқори самарадорлиқка эга чунгаларни ўрнатиш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш имкониятлари ўрганилганлигига ургу бериб, йил охирига қадар белгиланган субъектларда атроф-муҳит муҳофазасида муҳим бўлган ушбу усуналар ўрнатилганини, — дея масъуллардан изох сўради.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. Абдуҳақимов ўз жавобида вазирлик экологик экспертиза, сертификатлаш ва бошқа идора мутахассисларини жалб қилган ҳолда ҳавонини ифосланганлигини корхоналар ўрганиб чиқилганини ва ҳукумат қарори тайёрланганини, бу масала юзасида ҳар бир корхонага ҳолатидан келиб чиқиб мuddат берилганини маълум қилди.



Мажлисида давлат дастурининг ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуқтаи назарини, фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

ЎзЛиДеП фракцияси давлат дастурининг миллий иқтисодийни жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида тўхтади. Шундан келиб чиқиб, ҳукумат эътиборини мамлакат иқтисодийни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини, макроиктисодий барқарорлиқни, миллий товар бозорларида мувозанатни таъминлаш ва инфляцияни жиловлалаш, тadbirkorлиқни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни давом эттиришга қаратиш керак, деб ҳисоблайди.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари давлат дастурининг олти ойлик ижроси юзасидан Мактабга-ча ва мактаб таълими вазирлиги томонидан бажарилган ишларни эътироф этиб, соҳага янги авлод педагогларини жалб қилиш бўйича жиддий ва тизимли чора-тadbirkorлар кўрилиши кераклигини, бугун соҳада янги педагогларни жалб қилиш бўйича ишлар етарлича даражада олиб борилмаётганини қайд этди.

Шунингдек, мактаблардаги таълим сифатини ўзгартириш, педагоглар бугунги замонавий таълим-тарбия тенденцияларини болаларимизда рўёбга чиқара олиши учун етарли салоҳиятга эга бўлиши, тезлашган ахборот майдонида ўқитувчи бугун айнан шу соҳа бўйича етарли даражада компетенцияларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини билдирди.

«Адолат» СДП фракцияси депутатлари ҳисобот даврида Савдо саноат палатаси Президент қарорлари асосида қонунчиликда яратиб берилган имконият ва ҳуқуқлардан фойдаланиб, тadbirkorлик субъектлари манфаатларини қўллаб-қувватлашга 243 мингдан ортиқ давво аризалари киритгани ва шундан 200 мингга яқини қаноатлантирилганини таъкидлади. Шу билан бирга, давлат дастурининг бажарилаётган бандларининг ижросини назорат қилиш ҳамда сифатли ва мuddатда бажарилишига эришиш, тadbirkorларга кредит ажратишга юзага келаётган ноаниқликлар, фоизлар ҳисоблашдаги хатоликларга чек қўйиш бўйича қатор таклифларни илгари сурди.

ЎзХДП фракцияси вакиллари давлат дастурининг ижтимоий йўналтирилганлиги, партиянинг доимий электорати ҳисобланган эҳтиёжманд қатлам вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича манзилли чоралар қўрилаётганини қайд этиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ёрдамнинг манзиллилигини қучайтириш, давлат ва жамият аҳамиятига молик лойиҳаларни ишлаб чиқишда реал бозор иқтисодийётига таянган ҳолда нархларни белгилаш таклифини илгари сурди.

Шунингдек, фракция аъзолари бирламчи уй-жой бозоридаги квартираларни сотиб олишда

дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун субсидияларни реал бозор нархидан келиб чиқиб белгилаш ва ҳукумат даражасида қайта кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари эса ҳисоботда барча соҳа қатори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасида амалга оширилган ишларга тўхталиб, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йил баҳорги кўчат экиш мавсумида мамлакат бўйича 138,1 млн. туп даррах ва бута кўчати экилганини алоҳида қайд этди.

Шу билан бирга, давлат дастурида бажарилиши белгиланган соҳадаги айрим вазифаларни ўз мuddатда ва сифатли амалга оширишда камчиликлар кузатилаётганини айтиб, мuddати узайтирилган ҳамда ижроси якунига етказилмаган бандларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш чораларини кўриш бўйича қатор таклифларни илгари сурди.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг давлат дастури ижроси юзасида тақдим этган ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар асас этган тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.



ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ, ҲАЙРАТ

«ФИНАЛДА БЕШ БОКСЧИ... ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИРИ НИМАДА?»

JO 2024 : Cinq boxeurs en finale dont un médaillé d'or... C'est quoi le secret de l'Ouzbékistan ?



«Рио — 2016» ва «Токио — 2020» ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимларида ўз давлати байроғини Баҳодир Жалолов кўтарган бўлса, «Париж — 2024»да бундай шарафли вазифа Абдумалик Халоков чекига тушди».

«20minutes.fr» нашрида эълон қилинган «Финалда беш боксчи... Ўзбекистоннинг сири нимада?» мақоласида журналислар бокс Ўзбекистонда энг оммабоп спорт турларидан бири эканини ва кўплаб ўзбек болалари ёшлигидан ушбу спорт тури билан шуғулланишини кайд этган.

Нашрда сўнги йилларда Ўзбекистонга профессор Карлос Вилануева раҳбарлигидаги Куба бокс мактабидан мутахассис-

лар таклиф этилгани, бутун мамлакат бўйлаб бокс тўғрақлари иши таҳлил қилингани, машғулотлар жараёни индивидуаллаштириш, самарали режалаштириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилгани ва тажрибали боксчиларнинг машғулот жараёни ҳамда фаолияти пухта ўрганилгани маълум қилинган. Ҳар бир спортчи ўз салоҳиятини максимал даражада ошириши учун барча зарур шароит яратилган, деб қайд этилган материалда.

«Ўзбекистон терма жамоасининг барча ёш тоифаларидаги боксчилари катта салоҳиятга эга. Шубҳасиз, ўзбек боксчилари жуда кучли, катта иқтидор ва юқори техникага эга. Ўзбекистоннинг

иқлими, мевалари, витаминларга бой озиқ-овқатлари спортчилар учун жуда муҳим, улар куч-қувват бағишлайди», дея Куба терма жамоаси бош мураббийи Роландо Монтеснинг сўзларидан иқтибос келтирилди мақолада.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, аксарият француз оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон боксчилари — Ҳасанбой Дўсматов, Асадхўжа Мўйдинхўжаев, Лазизбек Мулложонов, Абдумалик Халоков ва Баҳодир Жалолов ўзларининг финал жанглирини ишонч билан ўтказиб, «Париж — 2024» ёзги Олимпия ўйинларида янги тарих яратганини алоҳида урғулаган.

СПОРТИМИЗ ТАРИХИДА УНУТИЛМАС ҲОДИСА

Ёзги Олимпия ўйинлари Ўзбекистон учун чинакам тарихий ҳодиса бўлди. Матонатли спортчиларимиз ўзбек спорти учун янги даврни бошлаб берди, десак, асло муболага эмас.



Олимпиадачиларимиз 13 та медалдан 8 таси олтин экани спортчиларимизнинг галабага бўлган мустақам иродаси, юксак маҳорати ва курашчан руҳини намойён қилади. Уларнинг эришган ютуқлари нафақат спорт натижалари, балки келажакка интилаётган, ҳар бир фуқаронинг гурур ва ифтихорини ҳис этиши учун барча ишни қилаётган янги Ўзбекистоннинг қудрати ва салоҳиятининг ёрқин ифодасидир.

Биз ушбу галабалар сари тўхтовсиз ишлаётган спортчиларимиздан фахрланамиз. Уларнинг матонати, интизоми, спортга фидойилиги барчамизга ўрнақдир. Улар мисли кўрилмаган чўқиларни забт этишга тайёр, иқтидорли Ўзбекистон ёшлари эканини бутун дунёга исботлади.

Мураккаб кечган жангларда Улғубек Рашитов ўз рақибларидан яққол устунлик қилган ҳолда тазквондо бўйича икки карра Олимпиада чемпиони бўлди. Боксчилар Ҳасанбой Дўсматов ва Баҳодир Жалолов ҳам ўзбек бокс тарихига ўз номларини ёзиб, икки карра Олимпиада чемпионига айланишди.

Олимпиада ўйинларида дзюдо бўйича олтин медални кўлга киритган илк ўзбекистонлик аёл Диёра Келдиёрова ўзбек спорти тарихига куч-қувват, нафосат ва буқилмас руҳ тимсоли сифатида кирди. Унинг галабаси Ўзбекистоннинг барча қиз ва аёллари учун ёрқин ибрат, чўққилар сари интилаётганлар учун ҳеч қандай тўсиқ йўқлигининг исботи бўлди.

Буларнинг барчаси Президентимизнинг юртимизда спортни ривожлантириш йўлидаги тинимсиз саъй-ҳаракатлари мевасидир.

Бугун биз ҳар бир спортчимиз билан фахрланамиз. Уларнинг галабаси бутун Ўзбекистоннинг галабасидир! Улар бугунги замони-мизнинг Тумариси-ў Жалолиддин Мангубердини, Темирийлар авлоди, бобурийлар давомчиси-дир. Улар ўзбек спорти куч-қудратини, юксалиш чўққиларини сари дадил интилишда эканини дунёга исботлади.

Нарик УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

ЮРТИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ ЮТУҒИ БАРЧАМИЗГА КУЧ БАҒИШЛАЙДИ

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Халқимизни спортга оммавий тарзда кенг жалб қилиш, айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодни ҳар жиҳатдан етуқ ва комил инсон этиб тарбиялашга юксак даражада эътибор қаратилмоқда.



Эътиборлиси, тарихда илк бор ўзбекистонлик аёл спортчи ёзги Олимпиаданинг олтин медалига сазовор бўлди. Эркалар боксидидаги 7 та вазн тоифасидан 5 тасида ўзбекистонликлар зафар кучди. Бундан ташқари, ўзбек спорти «Париж — 2024» да футбол, сувга сакраш, камондан отиш ва аёллар кураши бўйича дебют қилди.

Сезиб турганингиздек, Олимпиададаги натижа ва рекордларимиз йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бунинг ортида Ўзининг машаққатли меҳнатини аяманга спортчиларимизнинг ота-она ва мураббийлари туради, албатта.

Куни кеча Президентимиз Олимпиада натижалари ҳақида гапирар экан, уларни шундай эътироф этди: «Барча спортчиларимиз, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийлари Янги Ўзбекистоннинг чинакам қаҳрамонларидир! Улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, улар бизнинг гуруримиз!»

Ишончимиз комил, ҳали бу натижалар билан чекланмаймиз, ютуқларимиз давомли бўлади. Янги Ўзбекистон ёшлари бундан-да улкан марраларни забт этишга қодир. Чунки улар Тумарис, Мангуберди, темирийлар, бобурийлар авлоди. Олдинда бизни яна бир катта мусобақа кутиб турибди. 28 август куни XVII ёзги Паралимпия ўйинларига старт берилди. Ушбу мусобақадан ҳам Ўзбекистон делегацияси аъзолари улкан муваффақиятлар билан қайтишига аминимиз. Уларга зафар ва омадлар ёр бўлсин!

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

РЕКЛАМА

ISHGA TAKLIF

Toshkent shahridagi Belarus — O'zbekiston qo'shma tarmoqlararo amaliy texnik kvalifikatsiyalar instituti O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 20-noyabrdagi 4524-qaroriga asosan tashkil etilgan davlat oliy ta'lim muassasasi hisoblanadi.

2024/2025-o'quv yili uchun yuqori malakali pedagog xodimlarni quyidagi bo'sh (vakant) lavozimlarga ishga taklif etadi:

№	Kafedralar	Kafedra mudiri	Professor	Dotsent	Katta o'qituvchi	Assistent
1	Aniq, ta'biy fanlar va jismoniy tarbiya		1	3	3	3
2	Iqtisodiy-matematik modellashtrish kafedrası	1	2	2	2	2
3	Intellectual tizimlar kafedrası		1	2	1	1
4	Materialshunoslik va zamonaviy innovatsion texnologiyalar kafedrası		1	1	1	2
5	Mashinasozlik texnologiyasi kafedrası		2	2	2	2
6	Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish kafedrası		2	2	2	1
	Jami	1	9	12	11	11

Lavozim uchun malakaviy talablar:
 — tegishli ixtisoslik bo'yicha ilmiy daraja yoki ilmiy unvonga (dotsent/professor), shuningdek, tegishli mutaxassislik bo'yicha falsafa doktori (PhD), fan doktori (DSc) yoki unga tenglashtirilgan boshqa ilmiy daraja va unvonlarga ega bo'lishi;
 — davlat tili va rus tilini mukammal bilishi;
 — kasbiy va tashkilotchilik qobiliyatlariga, faoliyat turi va vakolatlar doirasida tegishli bilim (pedagogik mahorat, jamoa va talabalar bilan ishlay olish)ga hamda amaliy ko'nikmalar (mutaxassisligi bo'yicha)ga ega bo'lishi.

Tanlovda nomzodlarga ustuvorlik beriladigan alohida jihatlar:
 — QS, THE, ARWU xalqaro reytinglarda e'tirof etilgan «TOP — 1000» oliy ta'lim muassasasini tamomlaganlik;
 — QS, THE, ARWU xalqaro reytinglarda e'tirof etilgan «TOP — 1000» oliy ta'lim muassasasida malaka oshirgan yoki stajirovka o'taganlik;

— ilmiy loyihalarga rahbarlik;
 — xo'jalik shartnomalarga rahbarlik;
 — xorijiy til sertifikatiga egalik (IELTS, TOEFL, CEFR - B2, S1);
 — «Scopus» va «Web of Science» bazalariga kiritilgan jurnallarda maqola chop etganlik va «h-index»ga egalik.

Ma'lumot uchun telefon:
Kadrlar bo'limi inspektori — Kamalxodjayeva Dilnoza Abdikarimovna.
 (+998 97) 761-06-56.
Manzil: Toshkent viloyati, Qibray tumani, Qoramurt ko'chasi, 1-uy.

Жорий йилнинг январь — июнь ойларида мамлакатимиз бўйича барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 52,2 минг тонна узум етиштирилди.

КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК СОЛНОМАСИДА ЁРҚИН САҲИФА



Бугунги кунда халқаро муносабатларнинг глобаллашуви, бир томондан, янги мустақил давлатларга жаҳон майдонига эркин чиқиш ва турли давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишда кенг имкониятлар яратиб бериши, иккинчи томондан, умумий яшаш ҳудуди, яъни муайян минтақада жойлашган давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви ҳамда улар ўртасидаги алоқаларнинг кучайиши билан боғлиқ тенденцияларга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Шу муносабат билан, бу борада ўтказилган тадбирлар, тарғибот ва ташвиқот ишлари, аввало, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини яққол тасаввур қилиш, бугунги дориламон кунларнинг шукронаси ва унинг қадрига етиш, иккинчидан, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган туб ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш, учинчидан, бу борада алоҳида аҳамият берилиши лозим бўлган долзарб масалалар ва масъулиятли вазифаларимизни янада чуқурроқ англаб олишга имкон беради.

Президентимизнинг Қозғонгтонга ташрифи, Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиши ва бу анжумандаги нутқи ҳамда ташриф доирасидаги кўпلىк тадбирлар минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик, қўшничлик ва ўзаро англашувни ривожлантириш борасида янги босқични бошлаб берди, ушбу соҳадаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничлик солномасида янги саҳифа очди, десак, аниқ ҳақиқат.

Бутун дунё ва айниқса, Марказий Осиё минтақаси миқёсида мамлакатимизнинг давлатимиз раҳбарининг обрў-эътибори тобора ортиб бораётганининг асосли сабаблари бор, албатта.

Биринчидан, ҳозирги даврга келиб тобора ривожланиб ва тараққий этиб бораётган янги Ўзбекистон жадаллик билан глобаллашаётган бугунги дунё-

даги халқаро муносабатларнинг фаол ва ишончли субъектига айланди. Бу жиҳатдан, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ва ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш истиқболлари, халқаро муносабатлар тизимида ўз ўрни ва нуфузини белгилаш борасидаги фаол ташқи сиёсати муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилати ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари — ЮНЕСКО, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, шуниингдек, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлари ташкилоти каби кўпلىк халқаро, минтақавий ҳамда молиявий ва иқтисодий тузилмаларнинг фаол ва ташаббускор аъзоларидан бирига айланди. Дунёнинг 130 га яқин мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилгани, Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги кўпلىк форум ва халқаро ташкилотларнинг тадбирларидаги фаол иштироки ва натижадор ташаббуслари бунинг яққол далилидир.

Иккинчидан, бундай оламшумул ютуқлар ва натижалар ортда чуқур ўйланган, бутун дунё, минтақа ва мамлакатимиз манфаатларига мос фаол ҳаракат, улкан меҳнат тургани, шубҳасиз, албатта. Айни пайтда бу тасодиф эмас, балки жаҳон халқлари билан тинчлик, биродарлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничликни янада мустаҳкамлаш йўлида кейинги йилларда амалга оширилаётган режали фаолиятнинг натижаси ҳамдир.

Учинчидан, янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Президентимиз томонидан асослаб берилган ҳамда улкан ютуқ ва натижаларга, пировардида эса бугунги кунда юксак эътирофга сабаб бўлаётган умуминсоний тамойиллари давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, ҳудудлар ва чегараларнинг дахлсизлиги, низо-ларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига таяниши билан узвий боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеяси минбаридидаги нутқида мамлакатимизнинг бу борадаги сиёсатининг устувор тамойили қуйидагича ифодалаб берилган: "Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақо-

мини сақлаб қолган ҳолда, очик мулоқотга тайёрдир. Биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққий ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдоримиз."

Ушбу таянч фикрга асосланган бўлса, бугунги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида бирор-бир мамлакат, жумладан, яқин қўшнилариимизнинг миллий манфаатлари ва суверенитети асло зид келмайдиган ва шу боис ҳам кенг миқёсда эътирофга сазовор бўлаётган қуйидаги муҳим тамойиллар асос қилиб олинганини алоҳида таъкидлаш лозим:

- миллий манфаатлар устуворлигини сақлаган ҳолда, бошқа давлатлар билан ўзаро тенглик асосида манфаатли ҳамкорлик қилиш;
- халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизлик, турли мамлакатлардаги зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдори бўлиш;
- ҳеч қандай ҳарбий блокларга кирмаслик, шуниингдек, мунозарали муаммоларни куч ёки қўрқоқ таҳдид йўли билан ҳал қилишдан тийилиш;
- ташқи сиёсат бошқа давлатларнинг ички ишга аралашмаслик, тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилиши;
- давлатнинг ички меъёрларига нисбатан халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлигини тан олиш ва барча халқаро ҳуқуқ нормалари ва умуминсоний андозаларга риоя қилиш;
- узоқ ва яқин мамлакатлар билан ўзаро ишонч асосида, икки ва кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиш.

Мустаҳкам хавфсизлик, барқарор иқтисодий тараққий учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, конституциявий тузум асосларини мустаҳкамлаш, миллатлар аҳиллигини, халқлар дўстлигини таъминлаш, фуқаролар эркинлик ва ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш республикамиз ташқи сиёсатининг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Бу эса, ўз навбатида, дунё ва минтақа мамлакатлари орасидаги мустаҳкам дўстлик, тинчлик ва барқарорлик маконини яратишдаги ўзаро ҳамкорликка кенг имкониятлар яратди ва миллий манфаатларга мос келди.

Тўртинчидан, айнан ана шу жиҳатларнинг минтақада кўпроқ эътироф этилаётганининг сабабларидан яна бири, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, миллатларо тўтувлик ва минтақа халқлари ҳамда давлатларининг аънаваний дўстлигига, ҳамжиҳатлигига таҳдид солувчи ва жиддий хавфни бартараф этиш бўйича қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар қўриш бо-

расидаги сазй-ҳаракати ва ташаббуслари билан боғлиқдир.

Мазкур йўналишдаги фаолиятнинг мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаоси Президентимиз томонидан таъкидланган қуйидаги фикрда ўзининг яққол ифодасини топган: "Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу — ҳар томонлама чуқур йўлдан танланган йўлдир. Марказий Осиёнинг қўқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққий ва яхши қўшничлик ҳудудига айланганидан бевоқифа ташаббуслардан тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир".

Бу жиҳатдан, Президентимизнинг Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашувидаги нутқи ҳамда мазкур ташриф доирасидаги кўпلىк тадбирлардаги фикр-мулоҳазалари ва айниқса, Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш, Марказий Осиё инвестиция кенгаши ва Инновацион ривожланиш банкни таъсис этиш, қўшма инвестиция форумларини мунтазам ўтказиб бориш тўғрисидаги таклифлари тарихи ва тақдирда умумийлик кўп бўлган қардош халқлар учун муҳим аҳамиятга эга ташаббуслардир. Давлатимиз раҳбарининг бу соҳадаги масалаларнинг барчасини кўриб чиқиш учун Иқтисодий кенгаши — Бош вазир ўринбосарлари даражасида мунтазам учрашувларни йўлга қўйиш, Ҳудудлар форуми ва тармоқ конференциялари, саноят салоҳияти кўргазма-ярмаркаси, экспорт имкониятлари тақдимотларини ташкил этган ҳолда

Давлатимиз раҳбарининг минтақа халқларининг ўзаро бир-бирини тушуниши ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида минтақавий ўзига хосликни шакллантиришнинг амалий жиҳатларига бағишланган илмий форум ташкил этиш, Инновацион гоғлар ва лойиҳалар минтақавий танловининг мунтазам ўтказилиши, "Марказий Осиё ёшлари кун тартиби — 2030"ни илгари суриш ва ёш авлодни ҳамкорлик дастурларига кенг жалб этиш, Марказий Осиё таълим ва академик алмашув дастурини қабул қилиш ҳамда етакчи олий ўқув юрларининг дипломларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, иқтидорли талабалар учун ўзаро келишувлар асосида стипендиялар ажратишга доир таклиф ва ташаббуслари ҳам ўзининг амалий ифодасини топаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Марказий Осиё бизнес ҳамкорлиги ҳафталигини ўтказиш, минтақавий транспорт-коммуникация тармоғини янада раванак топтириш, минтақани барқарор ривожлантириш бўйича комплекс дастур ва Трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий стратегияни ишлаб чиқишга доир таклиф ва ташаббуслари ушбу йўналишдаги фаол ҳамкорликнинг бардавом бўлишини аниқлатади.

Президентимиз томонидан таклиф қилинган Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2040 йилгача мўлжалланган концепциясини қабул қилиш ҳамда Марказий Осиёда стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги кўп томонлама битимни тайёрлаш тўғрисидаги ташаббуслар ҳам минтақа халқларининг келажаги учун мустаҳкам асослар яратишга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

Остонадаги учрашувлар ва ташриф доирасидаги кўпلىк тадбирлар, бир томондан, минтақада бирдамлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ташаббусларни бораётган улкан хизматлари борлигидан далолат беради. Масалан, биргина гуманитар соҳа, маънавий-маърифий йўналишдаги ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар кўлами, таклифлар ва ташаббусларга қисқа назар солишнинг ўзидек қаровнинг нақадар кенглиги ва мақсаднинг эзгулига йўналганини аниқлаш учун етарли. Президентимиз айнан "маданий-тарихий мероснинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда халқларимизнинг минтақа келажаги учун дахлдорлиги, бирдамлиги, умумий масъулиятни англашнинг кучайтиришга катта эътибор бериш лозим"лигини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. "Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажақ" халқаро медиаплатформасининг тез фурсатда ишга туширилиши, жорий йил октябр ойида Тошкент шаҳрида биринчи Марказий Осиё таълим форумининг ўтказилиши режалаштирилгани бу борадаги муҳим амалий қадам бўлиши, шубҳасиз.

Баҳодир МИРЗАЕВ, «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ректори.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Фан олимпиадаси ғолиблари тақдирланди



Саудия Арабистонида бўлиб ўтган 56-халқаро кимё олимпиадасида Ўзбекистон вакиллари 1 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медални қўлга киритди. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳамда Фармацевтика техник университети раҳбарияти томонидан Халқаро кимё ва биология фанлари олимпиадачиларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Олимпиада ғолиб ва совриндорларига Фармацевтика техник университетда бакалавр босқичида таълим олиши учун қиймати 140 млн. сўмга тенг бўлган сертификатлар топширилди.

Компьютер жамламалари — таълим муассасаларига

Навоий вилоятидаги умумтаълим муассасаларига уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида компьютер жамламалари ва чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани жиҳозлари топширилди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбир доирасида 1-босқичда 72 та умумтаълим ҳамда 4 та касб-хунар мактабига чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани жиҳозлари тўпламлари ва 110 та компьютер жамламаси етказиб берилди.

Саноат корхоналари билан ишлашнинг мониторинг тизими

Тошкент вилоятида саноат корхоналари билан ишлашнинг мониторинг тизими жорий қилинди. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг тегишли ҳужжати имзоланди.



Хусусан, ишлаб чиқариши камайган, фаолиятини тўхтатган, паст қувватда ишлаётган, кредит олиб ишга тушган, бироқ бугунги кунда 50 фоиздан паст қувватда ишлаётган ҳамда "ноль" қийматидаги корхоналар назоратга олинади.

Аниқланган муаммолар таҳлил қилиниб, тегишли ташкилотлар орқали ечимини таъминлаш бўйича чоралар кўрилади. Бу тизим тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳволини яхшилашга кўмаклашади.

«Янги Ўзбекистон — менинг нигоҳимда»

Хорижда истиқомат қилаётган иқтидорли ватандошларимиз ўртасида ана шу номда мақолалар танлови ўтказилди. "Эл-юрт умиди" жағфармаси, Ёшлар ишлари агентлиги, "Ватандошлар" жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу танловда юзга яқин ватандошлар ва жағфарма стипендиатлари ўз мақолалари билан қатнашди.

Ушбу ижодий ишлар танлов низоми асосида кўриб чиқилди ва 1, 2, 3-ўринлар белгиланди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

«Халқ сўзи».

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ САОДАТИ

— Биз, спортчилар янги бир доvon олдида турибмиз, — дейди пара енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси, Параолимпия ўйинлари ғолиби Шаҳина Йигиталиева. — Ишончим комилки, бу доvonни биз бор салоҳиятимизни, маҳоратимизни ишга солиб, юксак ишонч билан забт этамиз. Ахир юртимизда паралимпиячиларга барча шарт-шароит яратиб берилди. Давлатимиз раҳбари, бутун халқимиз ҳар лаҳза қўллаб-қувватлаб, бизга руҳан таянч бўлиб турибди. Эндиги навбат спортчиларга! Яқиндагина ниҳоясига етган ёзги Олимпия ўйинларидаги Ўзбекистон делегациясининг муваффақиятлари бизга қўшимча куч, баланд руҳ бахш этади. Биз, паралимпиячилар ҳам ишончли оқлаб, Ватанини шарафлаш саодатига мушарраф бўламиз, дея ваъда берамиз. Тадбирда XVII ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон делегациясини байроқдорлари — пара енгил атлетиканинг ядро отиш дастурида икки қарра Паралимпия

ўйинлари ғолиби Хусниддин Норбеков ва диск улоқтириш дастурида "Токио — 2020" Паралимпия ўйинлари олтин медални соҳиби Моҳиғул Ҳамдамовага тантанали равишда давлат байроғи топширилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу галги ўйинларда иштирок этиш учун жами 113 та лицензия қўлга киритилган бўлиб, 65 нафар пара атлетимиз 9 та спорт тури бўйича (пара енгил атлетика, пара тазквондо, пара ўқ отиш, пара сузиш, пара каноэ, пара академик эшак эшиш, пара дзюдо, пара пауэрлифтинг ва пара велоспорт) ўз маҳоратларини намойён этишди. Бу Ўзбекистон Паралимпияси тарихида рекорд кўрсаткичи ҳисобланади. Таққослаш учун паралимпиячиларимиз 2016 йили Риоде-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган ўйинларга 32 та, Токио ўйинларига 70 та лицензияни қўлга киритган эди.

Эътиборлиси, "Париж — 2024" ёзги Паралимпия ўйинларида иштирок этадиган

65 нафар пара атлетинг 29 нафари, яъни 45 фоизи аёл спортчилар ҳисобланади. Бундан ташқари, пара ўқ отиш бўйича илк бор ўзбекистонлик аёл спортчи — Шаҳноза Мамажонова Паралимпия ўйинлари лицензиясини қўлга киритди. Бу эса юртимизда Паралимпия харақатида ҳам гендер тенглиги таъминланиб бораётганидан далолат.

Франция пойтахтидаги ўйинларда Ўзбекистон делегацияси пара велоспорт туридан дебют қилади. Икки нафар пара велоспортчимиз велопоининг 8 та йўналишида ғолиблик учун баҳс олиб бо-



ради. Шуниингдек, пара каноэ, пара тазквондо, пара пауэрлифтинг ва пара енгил атлетика спорт турларида рекорд даражада лицензиялар қўлга киритилди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Германиянинг Фрайбург шаҳрида ўзбек ошхонаси ва маданиятига бағишланган фестиваль ўтказилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғон бичими А—2. Баҳосин келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Ташрифта келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета ташрифт компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6